Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 19 сентябрь, сешанба. №115 (21.878). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ





СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Салмон Хуршид ва Андрей Козиревни қабул қилаётган пайт. **Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

16 сентябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Салмон Хуршидни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Тарихи ва маданияти уйғун бўлган икки мамлакат халқлари савдо-иқтисодий, маданий, кадрлар тайёрлаш ва бошқа кўпгина соҳаларда самарали ҳамкорликни янада тараққий эттириш имкониятлари мавжудлигини таъкидлади.

Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Салмон Хуршид ўз мамлакати Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини қайд этар экан, Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган кенгаш-семинар минтақадаги ва унга қўшни мамлакатларнинг бундай ҳамкорлигини тараққий эттиришга хизмат қилишини айтди.

Суҳбат чоғида, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

***

18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада тараққий эттириш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди, долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Учрашувда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорский ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ОРОЛ ДАРДИ — ОЛАМ ДАРДИ

НУКУС, 18 сентябрь. (ЎзА махсус мухбирлари Ғулом Мирзо, Абдурахмон Искандаров хабар қилади). Бугун бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган уч кунлик халқаро конференция иш бошлади. Анжуманда АҚШ, Австралия, Австрия, Англия, Бельгия, Дания, Италия, Испания, Канада, Кения, Россия, Туркия, Малайзия, Франция, Финландия, Швеция, Япония, Қувайт, Афғонистон, Ҳиндистон каби кўплаб йирик давлатлар вакиллари, нуфузли халқаро ташкилотлар мутахассислари, хорижий экспертлар, шунингдек, Марказий Осиё минтақаси вакиллари қатнашмоқда.

Орол денгизининг ҳалокати нафақат қадим Туркистон заминида истиқомат қилувчи халқларга, балки жаҳон аҳлига турғунлик даври қолдирган беомон кулфат бўлди, десак муболаға эмас. Бугунги кунда Оролнинг қурий бошлаши оқибатида юзага келган экологик муаммоларни бартараф этиш, она денгизимизни сақлаб қолиш борасида Марказий Осиё республикаларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари муҳим ўрин тутади. Мазкур масала бўйича 1993 йилдан буён минтақа давлатлари раҳбарларининг Россия Федерацияси вакиллари иштирокида олий даражада учрашувлар ўтказиши одатий тус олди. Ана шундай учрашувлар чоғида тузилган Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарма ва давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси фаол ишламоқда.

Ҳозирда БМТ, ЮНЭП, ЮНЕСКО, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, жаҳон банки каби экологик ва иқтисодий йўналишдаги нуфузли халқаро ташкилотлар Орол ва Оролбўйи муаммосини бартараф этишда кўмаклашиш учун астойдил бел боғлагани эътирофга сазовордир.

Айниқса, Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракати туфайли жаҳон халқларининг диққат-эътибори Орол денгизи ва Оролбўйи ҳавзаси муаммоларига қаратилди. Қайд этиш жоизки, ушбу халқаро тадбир ҳам Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Дашҳовуз учрашувида кўтарган ташаббуснинг минтақа мамлакатлари раҳбарлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланиши натижаси ўлароқ ташкил этилмоқда.

Конференция қатнашчиларининг Қорақалпоғистон пойтахтига етиб келган бир гуруҳи 17 сентябрь куниёқ самолётда Орол денгизи акваториясини айланиб чиқди. Иштирокчиларнинг иккинчи гуруҳи эса шаҳарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича фан ва техника ютуқлари кўргазмаси, шунингдек, Бердах номидаги театр биносида ташкил этилган амалий санъат намуналари кўргазмасини томоша қилдилар, киностудия биносида конференция қатнашчилари учун Орол денгизига бағишланган кинофильмлар намойиш этилди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Орол денгизи муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш раиси Исмоил Жўрабеков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро конференция қатнашчиларига табригини етказди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасининг доимий вакили Холид Малик анжуман аҳлини қутлар экан, Ўзбекистон ҳукумати, хусусан мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси муаммоларини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда изчил ташаббусларини юксак баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ давлатлари бўйича бўлими директори ўринбосари Элизабет Фонг, БМТ комиссияси раиси элчи Бо Кюелен Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келган экологик офатни бартараф этишда Марказий Осиё давлатлари ва умуман, жаҳон ҳамжамияти амалга ошираётган ишлар хусусида сўзлаб, Нукус халқаро анжумани бу соҳада яна бир самарали қадам бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

Конференциянинг дастлабки мажлиси кун тартибидан ўрин олган Орол денгизи ҳавзаси давлатларининг барқарор ривожланиш масалалари мавзусида ЮНЕСКО, ЮНЭП, жаҳон банки, Орол денгизи муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш мутахассислари, шунингдек, Туркия, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон вакиллари маъруза қилди.

Анжуман давом этмоқда.

(ЎзА).

ХАЛҚАРО КЕНГАШ-СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент кенгаш-семинари 16 сентябрь куни ўз ишини якунлади.

Шу куни кенгаш-семинар иштирокчилари учрашув якуни бўйича тайёрланган баёнот лойиҳаси, бўлиб ўтган қизғин музокаралар хусусида ўз фикрларини билдирдилар. Жумладан, кенгаш президенти, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов икки кун мобайнида очиқ қизғин фикр алмашишлар натижасида минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида янги-янги ғоялар туғилганини таъкидлади. БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик учрашув якунлари бўйича тайёрланган баёнот коллектив равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар дастури бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Анжуман қатнашчилари «Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент кенгаш-семинари иштирокчиларининг баёноти»ни қабул қилдилар.

Турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар делегациялари аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва БМТнинг чуқур хайрихоҳлиги билан бошланган мазкур Тошкент кенгаш-семинари юқори даражада ва муваффақият билан ўтгани ҳамда у минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлишини таъкидладилар. Зеро, бугун Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлашга оид турли фикр ва мулоҳазаларни жамлаш, шу йўлдаги ҳаракатларни бирлаштириш учун мана шундай кенгаш жуда зарур эди. Шу боис, кенгашда нафақат минтақа ва унга туташ давлатлар, балки, бошқа кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари ва турли халқаро ташкилотлар вакилларининг фаол иштирок этиши унинг аҳамияти ҳамда нуфузини оширди.

Тошкентда ўтган мазкур кенгаш минтақада барқарорлик ва ҳамкорлик йўлидаги янги эзгу ишларнинг бошланиши бўлгани шубҳасиз.

***

Шу куни Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича кенгаш-семинар иштирокчилари қадим ва ҳамиша навқирон Самарқандга ташриф буюриб, шаҳардаги тарихий обидалар, осори атиқалар билан танишдилар.

(ЎзА).

ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНАДИ

18 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати ҳамда Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти ҳамкорлигида «Ижтимоий сиёсат, дастурлар ва лойиҳалар» мавзуида халқаро семинар ўз ишини бошлади.

Ушбу анжуман илгари Москва ҳамда Вашингтонда бўлиб ўтган шу мавзудаги семинарларнинг учинчи қисмидир.

Маълумки, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ҳам самарали ислоҳотларни амалга ошириш ва уни янгича шароит асосида шакллантиришни тақозо этди. Табиийки, бу борадаги дастурларни муваффақиятли амалга ошириш учун соҳанинг малакали кадрларини тайёрлаш лозим. Мазкур семинарни ўтказишдан мақсад, ҳам собиқ иттифоқ республикалари, жумладан, Марказий Осиё давлатларида ижтимоий соҳада самарали фаолият кўрсатадиган кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов семинарни кириш сўзи билан очар экан, ушбу анжуманнинг айнан Тошкентда ўтказилиши бежиз эмаслигини айтди.

— Ўзбекистон ҳукумати ўзига хос иқтисодий ислоҳотларни амалга оширар экан, — деди у, — шу қисқа давр ичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ҳам катта тажриба орттирди. Ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда қабул қилинган бешта тамойилнинг бирида ўз аксини топган. Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти вакили «Ижтимоий сиёсат, дастурлар ва лойиҳалар» дастури директори Элка Розенберг анжуманда сўз олар экан, Ўзбекистонда ижтимоий соҳага катта эътибор қаратилаётгани ва бу борада Жаҳон банки билан кенг ҳамкорлик қилинаётганини таъкидлади.

Халқаро семинарда республикамиздаги ижтимоий соҳага йўналтирилган вазирликлар, қўмиталар ҳамда давлатга тегишли бўлмаган ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Шунингдек, семинарда Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси ҳамда Украина давлатларининг вакиллари ҳам қатнашмоқда. Анжуман давомида унинг иштирокчилари ижтимоий соҳада тўпланган тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг самарали йўлларини биргаликда ишлаб чиқадилар.

Семинар 30 сентябрга қадар давом этади.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ КЕНГАШ-СЕМИНАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

Марказий Осиё давлатлари ва 15-16 сентябрда Тошкентда тўпланган хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича кенгаш-семинарнинг бошқа иштирокчилари,

БМТ тамойиллари ва мақсадларига ўзларининг содиқлигини тасдиқлаган ҳамда Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашишда қатъиятини изҳор қилган ҳолда,

Минтақавий ва умумжаҳон хавфсизлигининг яхлитлигини эътироф этган ҳолда,

Марказий Осиё давлатларининг ҳудудий бутунлигини эътироф этиш лозимлигидан келиб чиқиб,

Марказий Осиё халқларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини ҳамда уларнинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш зарурлигини таъкидлаган ҳолда,

Баёнот берадилар:

Марказий Осиё давлатлари минтақада вужудга келаётган вазият учун ўзларининг масъулиятини тўла ҳис қилиб, минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни таъминлаш жаҳон ҳамжамиятининг муттасил ривожланишига ўзларининг коллектив равишда қўшадиган муҳим ҳиссаси эканидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар. БМТ ва ЕХҲТнинг асосий тамойиллари, жумладан, суверенитет, ҳудудий яхлитликни тан олиш, мунозараларни тинч йўл билан ҳал этиш ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик — бу мақсадларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бой ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий ранг-баранглиги билан ажралиб турган Марказий Осиё минтақаси хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт минтақаси бўлиб қолиши, инсоният тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин ва лозим. Бу мақсадга фақатгина коллектив саъй-ҳаракатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши орқалигина эришиш мумкин.

Кейинги пайтларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ижобий йўналишлар кўзга ташланмоқда. Бироқ, бугунги кунда бу ҳаракатларни қатъий тус олган дейишга ҳали асос йўқ.

Марказий Осиё давлатлари Афғонистонда давом этаётган можаро ва Тожикистон—Афғонистон чегарасидаги вазиятдан чуқур ташвишда эканликларини изҳор қилган ҳолда, минтақавий хавфсизликнинг яхлитлиги ҳамда уни таъминлашдаги коллектив масъулиятни қатъий эътироф этадилар ҳамда БМТ ва унинг БМТТД, ЮНДКП, ЮНИСЕФ сингари органлари, шунингдек ЕХҲТ, ИКТ, МДҲ каби ташкилотларнинг амалдаги механизмларидан самаралироқ фойдаланишга даъват этади.

Шу маносабат билан Тошкент кенгаш-семинари қатнашчилари БМТ ҳомийлиги ва кузатувчи мамлакатлар иштирокида тожикларо мулоқот доирасида Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувликни ўрнатишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги протоколнинг имзоланишини ва ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги битим муддатининг узайтирилишини қўллайдилар.

Элатлараро зиддиятлар, наркобизнес, террорчилик, қуролларнинг қонунга хилоф равишда жойдан-жойга кўчирилиши, инсонларнинг кўчишга мажбур бўлиши сингари хавф ва тазйиқларга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу каби хавфларни бартараф этиш ҳамкорликнинг муассасавий асосларини яратиш ва бу соҳада ахборот алмашиш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Марказий Осиё давлатлари учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш — умумий зарурият. Бу — уларнинг макроиқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш даражасининг бундан бўён пасайишига йўл қўймаслик иқтисодиётнинг асосий соҳаларида тузилма ўзгаришларини амалга оширишда ҳаракатларни умумлаштиришни тақозо этади.

Марказий Осиё давлатлари, янги коммуникациявий тартибни барпо этиш муҳимлигини эътиборга олиб, турли хил транспорт ва ахборот тармоқларини ўрнатиш ва кенг йўлга қўйиш ҳаётий зарурият, деб ҳисоблайдилар.

Ҳукумат ва ҳукуматга дахлдор бўлмаган турли органлар иштирок этиши лозим бўлган экология хавфсизлиги тизимини барпо этишга ҳар жиҳатдан ҳисобга олинган ёндашувни таъминлаш зарур. Бу борада оламшумул экология ҳалокати минтақасига айланган Орол денгизи ҳудуди алоҳида эътибор талаб этади.

Марказий Осиё давлатларининг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланишда ҳамкорликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни ташкил этиш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатлари ўзларининг БМТ ва ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича андозаларига содиқлигини тасдиқлайдилар, минтақада демократиялаштириш жараёнини ва кам сонли миллатлар вакилларини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлашни чуқурлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Марказий Осиё давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янги жаҳон тартибини шакллантириш жараёнидаги энг илғор воситалардан бири сифатида унинг бу борадаги ўрнини юксак баҳолайдилар ва БМТнинг имкониятлари ҳамда орттирган тажрибаси минтақадаги мавжуд муаммоларни муваффақият билан бартараф этишга имкон яратишига ишонадилар.

Инсоният тўплаган тажриба Тошкент анжумани муҳим ҳисса қўшган минтақавий тараққиётнинг келажагига умид ва ишонч билан қараш имконини беради.

(ЎзА).

УЛУҒБЕК ПОРТРЕТИ ТОПШИРИЛДИ

Куни кеча республика жамоатчилиги 75 йиллигини кенг нишонлаган Тошкент Давлат университетига буюк аллома Мирзо Улуғбек номи берилиши барчанинг кўнглидаги иш бўлди. Зеро, бу хайрли иш дорилфунуннинг ҳар бир олими, ўқитувчиси, илми толиби дилида беназир бобомизга муносиб бўлиш, мустақил Ватанимизни буюк давлатга айлантиришдек муқаддас жабҳада етук мутахассис сифатида сидқидилдан меҳнат қилиш туйғусини уйғотади.

Шуниси қувончлики, қутлуғ тўй тантана қилинаётган кунларда университет жамоасига Президентимиз Ислом Каримовнинг совғаси — Шарқнинг буюк олими ва мутафаккири Мирзо Улуғбек портрети топширилди.

...Мирзо Улуғбек сиймоси. Долғали замон зарбаларидан зада, айни вақтда илму урфон зиёсидан чароғон қалб теран нигоҳларда шундоқ балқиб турибди. У авлодларни юлдузлар сеҳридан, олам синоатларидан воқиф бўлишга — билим уммонидан дуру гавҳарлар теришга даъват этаётгандек!

Юртбошимизнинг таниқли рассом Акмал Икромжонов мўйқаламига мансуб мазкур нафис санъат асарини илм даргоҳи аҳлига ҳадя этишидан ана шундай рамзий маънолар топдим.

Аҳмад ХЎЖА.
(ЎзА).

ОРОЛ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

Умумий маънавий қадриятлар билан бир қаторда бизни, шунингдек, энергетик, сув ва минтақанинг бошқа табиий ресурсларидан фойдаланишга асосланган анъанавий савдо-иқтисодий алоқалар ҳам бирлаштириб туради. Биз, янги давлатларнинг раҳбарлари, буни унутмаслигимиз, буюк аждодларимиздан қолган бой меросни бундан кейин янада бойитиш, бу бойликдан мамлакатларимиздаги мавжуд иқтисодий салоҳиятни янада юксалтириш йўлидан фойдаланишга амалий ишларимиз билан кўмаклашишимиз лозим. Бу салоҳиятдан экологик тусдаги ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишда фойдаланиш даркор. Орол муаммоси бу масалаларнинг энг муҳими ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркманистон Президентларининг 1995 йил 3 мартда Тошҳовуз шаҳрида қабул қилган қўшма баёнотидан).

1995 йил 3 март. Тошҳовуз.

1993 йил 4 январь. ТОШКЕНТ. Марказий Осиё раҳбарларининг ушбу учрашувида Оролни сақлаб қолиш халқаро жамғармасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1993 йил 26 март. ҚИЗИЛ ЎРДА. Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг анжуманида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи давлатлараро кенгаш тузилди, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди.

1994 йил 11 январь. НУКУС. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўтказган музокаралар якунида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш тўғрисида Низом ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий равнақини ҳисобга олган ҳолда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яқин йиллар ичида яхшилаш юзасидан тадбирлар дастури имзоланди.

1995 йил 3 март. ТОШҲОВУЗ. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Орол муаммосига оид қўшма баёнот қабул қилдилар.

ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАР

Турсунбой Ешчановни етук олим, тажрибали шифокор, ташаббускор ва ташкилотчи раҳбар сифатида қорақалпоғистонликлар ҳурмат билан тилга олишади. У бу йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. Олим сифатида аллергология ва иммунология устида ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Юздан зиёд илмий асарлар муаллифи, тўртта монографияси чоп этилган.

Т. Ешчанов Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири. У киши билан бўлган суҳбатимиз республика ҳудудида аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатиш қай аҳволда эканлиги хусусида борди.

— Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар ўтказиш юзасидан амалий тадбирлар олиб боряпмиз, — деб таъкидлади вазир. — Соғлиқни сақлаш тармоқлари ва тизимларини қайта ташкил этиш натижасида кейинги йилларда марказий туман шифохоналарида туғуруқхоналар пайдо бўлди. «Аралводстрой»нинг тиббиёт санаторийси ҳузурида республика кардиология маркази тузилди. Аксарият фельдшерлик-акушерлик пунктлар овул кенгашлари қарамоғидан марказий туман касалхоналари ҳисобига тўла ўтказилди. Улар ҳузурида икки-учта пунктни бирлаштириш йўли билан қишлоқ врачлик амбулаторияси ташкил этилмоқда.

— Шифохоналарда беморларга яратилган шарт-шароитлар қандай?

— Кейинги уч йилда ўринлар сони бироз қисқарди. Беморлар учун қулай шароитлар яратиш йўллари қидирилмоқда. Айни чоғда стационар ёрдамининг муқобили сифатида амбулатория ёрдамининг янгидан-янги усуллари ташкил топиб, ривожлантириляпти. Жумладан, 729 ўринли 87 та муассаса ҳузурида кундузги стационарлар ташкил этилди. «СКАЛ», амбулатория хирургияси марказларида қуплаб беморлар дардларига шифо топмоқдалар. 78 та даволаш муассасаси қошида очилган кундузги стационарларда кўп болали оналар учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

— Турсунбой Бойжанович, кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Оролбўйи экологияси ноқулайлиги марказига айланди. Оролнинг қуриб бориши ҳудудда иқлим шароитининг ёмонлашишига олиб келди. Бу нарса ўз навбатида кишилар саломатлигига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатяпти. Унинг олдини олиш юзасидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Бу ҳудудда ер шўрланди. Сув, ҳаво ифлосланди. Оқибатда аҳоли ўртасида касалликка чалиниш даражаси ошди. Бундай салбий ҳолатлар, айниқса, болалар ва оналар ўртасида ўлимнинг кўпайишига олиб келди. Қон ва қон-томир, нафас олиш йўллари, ошқозон, асаб ва пешоб йўли тизими, қон айланиш касалликлари учрамоқда. Айниқса, болалар ўртасида қон ва анемия хасталиклари тарқалди. Шунингдек, аҳолининг муайян қисми сил касаллигидан азият чекяпти. Айниқса, Мўйноқ тумани аҳолиси ошқозон раки дарди чангалига тушиб қолган. Ҳомиладор аёллар анемия, ошқозон, пешоб ва нафас олиш йўллари ҳасталикларига кўп чалинмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси кишилар, айниқса, аёллар ва болалар саломатлигини тиклаш учун янгича тиббий ёндашувларни тақозо этмоқда. Тиббиёт ходимларимиз олиб бораётган самарали даволаш усуллари натижаси кейинги йилларда оналар ўртасида ўлимнинг бирмунча қисқаришига олиб келди. Она соғлиғини таъминлаш бош вазифага айланди. Соғлом онадан соғлом бола туғилиши ҳаммага аён. Айни чоғда олдимизда болалар ўлимини қисқартиришга эришишдек муҳим вазифа ҳам турибди. Бунинг учун тиббиётчиларимиз малакаси, тажрибаси ва масъулиятини мунтазам ошириб боришимизга тўғри келади.

— Вазирлик тизимида тиббиёт ходимлари тайёрлаш масалалари қандай ҳал этилмоқда?

— Ҳозир бизда 3645 шифокор хизмат қиляпти. Урта тиббиёт ходимлари таъминоти масаласи ҳал этилган. Тўртта билим юрти мутахассислар тайёрлаб беряпти. Айниқса, қишлоқ даволаш муассасаларини малакали шифокорлар билан таъминлашни яхшилаш учун нафақат педиатрия йўналишида, айни пайтда даволаш ва санаторий йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган мустақил тиббиёт илмгоҳи ташкил этиш зарур.

Вазирлигимиз тиббиёт ходимлари тайёраш, танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш масаласига жиддий қарамоқда. Ўтган йили ўтказилган аттестация натижасида марказий туман шифохоналари, республика даволаш муассасалари бош шифокорлари ва уларнинг ўринбосарларидан 15 киши лавозимидан бўшатилди. Тиббиёт ходимларининг касб маҳоратлари ва саводхонликларини ошириб бориш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Уларнинг малакаларини ошириш мақсадида мунтазам равишда кўчма ўқувлар ташкил этиляпти.

— Даволаш муассасаларини хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий ва кичик корхоналарни ривожлантириш масалаларига вазирликнинг муносабати қандай?

— Биз бу борада ҳам аниқ ишларни амалга ошириямиз. Республика дорихоналар тармоқларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ишлари ниҳоясига етказилди, натижада 96 та дорихона хусусийлаштирилди, 18 таси акционер жамиятга, учтаси жамоа-шахсий мулкига айлантирилди. «Медтехника» ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси хусусийлаштириш туфайли «Асбап-ускене» акционерлик бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатяпти. Стоматология муассасаларини хусусийлаштириш бошланди. Кейинчалик поликлиникалар, «Никоҳ ва оила» консультацияси ҳам хусусийлаштиришга киришилади. Шу йил бошида Нукус шаҳрида ва тўртта туманда хўжалик ҳисобидаги стационар бўлимлари очилди.

—Қандай муаммолар сизларни қийнаяпти?

— Ҳозирги экология шароитида республикада аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашда бир қатор муаммоларни ҳал этиш керак. Бугунги ўтиш давридаги қийинчиликлар тиббиёт хизматига ҳам таъсир қилмасдан қолмаяпти. Бошланган қурилишлар, яхши ишлар секин силжияпти. Шаҳар ва туманлардаги касалхоналарни ҳисобга олмаганда овуллардаги фельдшерлик-акушерлик, овул участка касалхоналари, амбулаторияларининг кўпчилигига ҳалигача водопровод келтирилмаган. Канализация йўқ, борлари эса ишламайди. Дори-дармонлар билан таъминлаш ҳам муаммолигича қолмоқда. Хўш, транспорт хизмати қандай дерсиз? Бу масалага келганимизда 1992 йилнинг бошидан буён республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва жойлардаги муассасаларимиз бирорта ҳам автомашина олгани йўқ. Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлардаги 1178 та автомашинадан 500 дан зиёди автошина, аккумулятор, двигатель, эҳтиёт қисмлар йўқлигидан ҳаракатсиз турибди. Шулардан 238 тасини «Тез ёрдам» машиналари ташкил этади. Кўпчилик касалхоналарда «Тез ёрдам» автомашиналари умуман яроқсиз ҳолда. Шу кунга келиб республикада ташхис марказининг ташкил қилинмаётгани тиббиёт хизмати кўрсатишнинг сифатига путур етказмоқда. Рентген плёнкалари етишмаслигидан шаҳар ва туманлардаги рентген хоналари ишламаяпти.

Ана шу муаммолар мутасадди ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари томонидан яқин орада ҳал этилишига умид қиламиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири Рейимбой ЕШИМБЕТОВ суҳбатлашди.

ЎзХДП ташкил топганлигининг тўрт йиллиги олдидан

ҚОТИБ ҚОЛГАН ИШ ЭМАС

Суҳбатдошимиз Пайариқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Эрдош Аҳадов Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олган. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ва ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилган. 1992 йилдан Пайариқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келяпти. 1991 йилнинг ноябрь ойидан буён Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси.

— Бугунги кунда мустақил мамлакатимизда жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда, иқтисодий ислоҳотлар ҳаётимизга тобора кириб бормоқда. Хўш, бу борада Пайариқ туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейин ўтган қисқа — тўрт йилдан ортиқроқ вақт ичида республикамизда улкан ижтимоий-сиёсий, туб иқтисодий ва чуқур маънавий ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий ислоҳотлар бошланганда буён туманимизда ҳам бир мунча ишлар амалга оширилди. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, мулкчиликнинг кўпхиллигини таъминлаш, меҳнаткашни мулк ва ўз меҳнатининг соҳибига айлантириш, хусусий ва жамоавий тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини қуллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги бошқарувида иқтисодий усуллари жорий қилиш, янги иш ўринларини барпо этиш, имкониятлардан ва фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланиб халқимизнинг турмуши яхшиланишига эришиш — энг асосий вазифаларимиз бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида туманимизда амалга оширилган ишлардан бир нечтаси тўғрисида айтиб ўтсам. Ўтган йили Ўзбекистон—Америка «Сангзор» қўшма корхонасининг Пайариқ филиали қуриб ишга туширилди. Бу корхона бир йилда 25 минг тонна пахтани тозалаб, уни тайёр матога айлантириб беради. Илгари туманимиз аҳолисига ун 40 километр узоқликда жойлашган Жомбой дон маҳсулотлари комбинатидан ташиб келтириларди. Катта транспорт харажатлари, кўп куч ва вақт сарфланар эди. Шунинг учун туманимиз марказида бир кеча-кундузда 25 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегирмон ишга туширилди. Пайариқ шаҳрида ва «Халқобод» ижара хўжалигида ғалла қабул қилиш манзиллари ишлаётир. Халқимиз эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида туманда Самарқанд шаҳридаги «8-Март» тикувчилик фабрикаси филиаллари, ғишт заводи, сут, консерва, қандолат маҳсулотлари, салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи ва бошқа кўплаб кичик, ўрта ва хусусий корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги шакар заводи ишга туширилиши арафасида турибди. Кейинги йилларда тумандаги «Ўзбекистон», «Пахтакор», «Самарқанд», «Чўраш», «Янгиобод»ширкатлар уюшмаларидаги хонадонлар тўлиқ газлаштирилди. Яқин орада тумандаги қолган барча хонадонларга ҳам «зангори олов» келади.

Шунингдек, бир нечта маъмурий ва маиший бинолар, шифохона, қишлоқ врачлик амбулаториялари, мактаб ва болалар боғчалари, замонавий автомобиль йўллари қурилди. Пайариқ шаҳрининг ғарбий қисмида янги саноат маркази бунёд этилди, мевали боғлар ва дам олиш масканлари яратилди.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давом этмоқда. Тумандаги уй-жой, савдо, маҳаллий саноат ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида бу иш асосан тугатилди. Қурилиш, транспорт корхоналарини ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ишлари олиб борилмоқда. Кимошди савдоси орқали «Дўстлик» ва Бопил Ҳасанов номли ширкатлар уюшмаларидаги чорвачилик фермалари сотилди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағларни биз хусусий тадбиркорларни, асосан, фермерларни моддий жиҳатдан қуллаб-қувватлашга сарфлаяпмиз.

Жорий йилда туманимиз бўйича ғалла майдонлари икки баробар кўпайтирилди. Тумандаги «Деҳқонобод», «Пахтакор», «Ўзбекистон», «Янгиобод» ширкатлар уюшмаларида, «Халқобод» ижара хўжалигида айниқса, мулҳосил етиштирилган. Бу ишларнинг барчасига туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Сайдулла Бойзоқов бошқош бўлмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг тўрт йиллиги нишонланадиган кун ҳам яқинлашиб келмоқда. Бу кунга тайёргарлик юзасидан тадбирлар режасини белгилаб олганмиз.

— Сиз Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси сифатида қандай ишларни амалга оширяпсиз?

— Мен Узбекистон Халқ демократик партияси I таъсис қурултойи делегати бўлганман. Партиянинг Низом ва Дастури лойиҳалари муҳокамасида иштирок этганман. Партиямизга эътиқодим ва ишончим кучли. Ўзбекистон ХДП бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган йирик нуфузли сиёсий ташкилотдир.

Энди вилоят партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси сифатида амалга ошираётган ишларим тўғрисида гапирсам, менга қишлоқ хўжалиги ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари масалалари билан шуғулланиш, Пайариқ ва Челак туманлари партия кенгашлари ишига амалий ёрдам бериш вазифалари топширилган. Ушбу масалалар ижроия бюро йиғилишларида бир неча марта муҳокама қилинди, қарорлар қабул қилиниб, аниқ таклиф ва тавсиялар берилди. Ширкат ва деҳқон (фермер) хўжаликларида бошлангич ва цех партия ташкилотлари ишини йўналтириш бўйича услубий ҳужжатлар тайёрланди.

— Бугунги кўппартиявилик шароитида туман ҳокимлиги билан ХДП туман кенгашининг ўзаро муносабатлари қандай йўлга қўйилган?

— 1964 нафар аъзога эга бўлган туман партия ташкилоти туманда амалга оширилаётган барча ишларда бизга доимо кўмакдош. Туман партия кенгаши туман ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари, фахрийлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари ва маҳаллалар қўмиталари билан яхши ҳамкорликни йўлга қўйган. Партия кенгаши ва унинг фаоллари аҳоли ўртасида турли учрашувлар, оммавий-сиёсий тадбирлар, мулоқот ва суҳбатлар уюштиряптилар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар мазмун ва моҳияти меҳнат жамоалари ва аҳоли турар-жойларида тушунтириш ишлари олиб боряптилар. Туман партия кенгаши ҳокимлик тизимига аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида, жумладан, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оналар, етим-есирлар, ўқувчи ва талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қуллаб қувватлашда яқиндан ёрдам беряпти.

— Туман партия кенгаши бошлангич ташкилотлар жанговарлигини ошириш учун, Сизнингча, кўпроқ нималарга эътибор бериши керак?

— Партия иши қотиб қолган иш эмас. У кун сайин, соат сайин ишланиши, партиявий ишнинг янги шакл ва услубларини қидириб топишни талаб қилади. Партия ташкилотлари кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишлари, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг рўёбга чиқишида фаол иштирок этишлари, халқ орасида бўлиб, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлишлари керак, деб ўйлайман. Бу борада мен тумандаги «Гўзал» ва «Фаровон» маҳаллалари ҳудудий партия ташкилотларининг маҳаллада янги анъаналар урф-одатларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши, тарғибот ва ташвиқот, таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишда, тўй ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказишда, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тадбирларни тайёрлашда ва ўтказишда фаол иштирок этаётганликларини мисол қилиб келтиришим мумкин.

Суҳбатдош: Аслиддин РУСТАМОВ.

Ислоҳот қирралари

ФЕРМЕРЛИК — НОНИ БУТЛИК

Дастлаб кимдир йўл очади: қийналиб, қоқилиб, суриниб, баъзан ўкиниб, сўкиниб. Кейин унинг изидан бошқа биров юради. Сўнг яна биров, яна биров, яна биров... Шу тарзда барча юрадиган текис ва равон йўл пайдо бўлади. Бу йўлдан ҳеч ким қоқилмай-суринмай мақсад сари дадил одимлаши мумкин.

Фермерлик ҳаракатини шу ойдин ва равон йўлга қиёслагим келади. Чунки ҳозир мана шу иш этагини тутганларнинг ошиғи олчи. Улар давлат томонидан қуллаб-қувватланаётир. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг учинчи сессиясида сўзлаган нутқида «Ўзининг ҳалол меҳнати билан ўзига бойлик топаётган одамларни қувиш эмас, қуллаб-қувватлаш керак», деган сўзлари бугунги кунда ҳар бир фермерни жўшқин меҳнатга ундаётир. Ҳолбуки, дастлабки фермерлар қанчадан-қанча тўсиқларга дуч келишган эди. Уларни чидам билан, сабот билан енгишга тўғри келган. Зеро, равон йўлга чиқиб олиш ҳамиша қийин кечган. Фермерлар ҳам бу мушкулотни четлаб ўтишолмади. Жиззахлик фермер Эгамқул Мавлоновнинг фаолиятидаги баъзи нуқталар бунга ёрқин мисол бўла олади. У фермерлик ҳаракати эл маъмурчилиги, сероблиги, тўкинлик манбаи эканлигини чуқур англаб, шу хайрли ишга қўшилиш учун бел боғлаганда баъзилар унга истеҳзо билан «қариганда бой бўлмоқчимисан?» дея пичинг қилишди. Парво қилмади. Танлаган йўлидан қайтмади. Лекин қийини олдинда экан: баъзи раҳбарлар сўзда фермерликни қуллаб-қувватласада, амалда зимдан қаршилик кўрсатди. Шулар билан курашиш оғир кечди. Эҳ-ҳе, уларни енггунча қанча куч, қанча жасорат сарфланмади дейсиз? Ҳатто бир йиғинда Эгамқул ака фермерлик ҳаракатига тўғаноқ бўлаётган иллатларни юртбошимизнинг ўзига очиқ айтди, уларни бартараф этиш учун таъсирчан ёрдам кўрсатишни сўради.

Мана бир пайтлар орзу қилинган — фермерлар учун эминэркин ишлайдиган пайтлар ҳам келди. Эгамқул аканинг фермер хўжалиги шу йилларда ҳам бўйига, ҳам энига ўсди. Бошқача айтганда, эл-юртга танилди. Бирон жойда пешлавҳаси бўлмаса-да, туман ёки хўжаликларда учраган кишидан «Эгамқул аканинг фермер хўжалиги қаерда?» деб сўрасангиз, адашмай кўрсатишади. Эл-юртга танилиш шу эмасми?

Инсонни меҳнати элга танитади. Эгамқул ака мана шу йилнинг саккиз ойида 128 тонна сут, 47 тонна гўшт етиштириб, юртдошларига ҳадя этди. Илгари шунча маҳсулотни битта ферма аранг етиштирар, унинг учун эса бутун бир бригада, анчамунча техника қишин-ёзин хизматда бўларди. Эгамқул аканинг «бригадаси» эса ўзи, икки ўғли ва олти неварасидан иборат. Четдан бирорта ҳам ишловчи йўқ. Ўғли ва неваралар 120 бош қорамол, 70 бош қўй-қўзини рисоладагидай парваришлаяпти. Деҳқончилик ҳам чакки эмас: тадбиркор тасарруфига берилган 54 гектар ернинг 15 гектарида буғдой етиштирилиб, гектаридан 46 центнердан хирмон кутарилди. 13 гектардан маккажўхори, 20 гектардан мўл беда ҳосили ўриб олинди. Мўъжазгина жамоанинг бажараётган ишига, елкасидаги юкини чамалаб кўриб қўйил қоламан. Ҳолбуки, бунақа иш унумдорлиги илгари энг донгдор колхоз ва совхозларда ҳам орзу қилинарди, холос. Иш унумини ошириш учун эса қанчадан-қанча қарорлар, фармойишлар чиқариларди. Улар амалга ошмай қоғозда қолиб кетарди.

Дўстлик туманидаги «Оқолтин» ижара ширкатлар бирлашмаси фермер хўжалигининг раҳбари Эгамқул Мавлонов ҳозир 72 ёшда. Лекин кексаликка бўй бергани йўқ: йигитлардай чаққон, серғайрат, ишлаб чарчамайди. Бамисоли иккинчи ёшлигини бошдан кечираётир. Хўжаликни ривожлантириш, кўпроқ маҳсулот етиштириш, мустақил юртга салмоқлироқ наф келтириш унинг асосий мақсади.

— Бу йилги дон ҳосилимиз ёмон бўлмади, — дейди у келажак ишлар ҳақида гапираркан. — Қарийб 70 тонна сара дон янчиб олдик. Юртимизда ғаллага эҳтиёж катталиги сезилиб турибди. Шу боис ғаллазорни кенгайтириш ниятидамиз. Ўзимиз учун дон комбайни ва бошқа техника сотиб оламиз...

Эгамқул аканинг ниятлари бисёр, орзулари сарбаланд. Уларнинг рўёбга чиқишига биз ҳам тилакдошмиз. Зеро, унга Олло Таоло шу ўй-ниятга яраша умр, куч-ғайрат ато этган бўлсин.

Норбобо ШАКАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: тадбиркор фермер Эгамқул Мавлонов.

К. ЖЎРАҚУЛОВ олган сурат.

Жамғарма Банки

ОМОНАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ 1995 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БИР ҚАТОР ОМОНАТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАРИНИ ОШИРДИ ВА ҚУЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАДИ:

талаб қилиб олинадиган омонат бўйича — йилига	40%
муддатли омонатлар бўйича	
— 1 йилдан 3 йилгача — йилига	60%
— 3 йилдан 5 йилгача — йилига	90%
— 5 йилдан юқорисига — йилига	120%
мақсадли болалар омонати бўйича — йилига	120%
кўрсатувчига бериладиган омонат — йилига	40%
"Капитал" омонати бўйича — ойига	10%
"Капитал-Люкс" омонати бўйича — ойига	10%

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ

ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ КИШИЛАР УЧУН ...

ҲАР ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТДА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШНИНГ ЗАРУР ШАРТИ - БУ УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ БИЛИШДИР. ХЎШ, ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚИДИРИШ НЕГА ШУНЧАЛИК МУРАККАБ?

ҲАР ҲАФТАДА ОЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН БИР НЕЧА ЎНЛАБ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА. ҲУЖЖАТЛАР МАТНЛАРИНИ ЧОП ЭТУВЧИ НАШРЛАР ДОИРАСИНИНГ ЧЕКЛАНГАНЛИГИ ВА УЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ОЛОЛМАСЛИК - МЕЪЁРИЙ АХБОРОТНИ ТЎПЛАШ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИШ БИР ТАШКИЛОТ ДОИРАСИДА ЖИДДИЙ МУАММОГА АЙЛАНИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

БИЗ СИЗЛАРГА БУ МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШИНГИЗДА ЁРДАМ БЕРМОҚЧИМИЗ.

Биз ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА НОДИР АХБОРОТ БАЗАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ. 20000 ДАН ОРТИҚ САХИФАДА ФАРМОНЛАР, ҚАРОРЛАР, ХАТЛАР, ҚОИДАЛАР, ЙЎРИҚНОМАЛАР ВА МУЛКЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТЎРЛИЧА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА БОШКА МЕЪЁРИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ МАТНЛАРИ ЎРИН ОЛГАН.

ҲОКИМИЯТ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ БИЛАН ТЎГРИДАН-ТЎГРИ АЛОҚАЛАР ТУФАЙЛИ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ УНИВЕРСАЛ ЖАМЛАНМАСИ ХАР 10 КУНДА ТЎЛИБ БОРАДИ.

БИР ЗУМДАГИ ҚИДИРУВ, ҲАР ҚАНДАЙ ПРИНТЕРДА ЧОП ЭТИШ, ҲУКУҚШУНОСЛАРНИНГ ШАРҲЛАРИ, РЕТРОСПЕКТИВА - АМАЛИЙ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ВОСИТАЛАРИДИР.

ҚУШИМЧА АХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ЭТИНГ:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, НУКУС КЎЧАСИ, 73 Б
ТЕЛЕФОН: 3712 548847, ФАКС: 3712 547718
E-MAIL: PRAVO@ABC.TASHKENT.SU
"АВИАБРОК-КОНСАУД" ФИРМАСИ

ПРАВО
ЮРИДИК АХБОРОТ ТИЗИМИ

"ГУЖУМ"
ЎЗБЕКИСТОН—БЕЛАРУСЬ ҚУШМА КОРХОНАСИ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: *гуруч, пиёз, саримсоқ пиёз, олма, болгар қалампири* ва бошқа неъматларни бартер асосида
СОТИБ ОЛАДИ
ва шартнома тузган мижозларга
БЕЛАРУСДАН
қишлоқ хўжалик тракторлари ва эҳтиёт қисмлари,ҳар хил қоплар, холодильниклар, телевизорлар, радио-техника буюмлари, турли русумдаги *"МАЗ"* юк машиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сара конфетлар, ноёб дори-дармонлар, картон қоғозларни
ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.

Манзилимиз: Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефон: 56-39-54.

"ДИНА"
ҳуқуқий компанияси
— мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари мажмуаларини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг муҳрларини тайёрлаш, банкда ҳисоб рақамини очиш билан бирга, тайёр ҳолда рўйхатдан ўтказиб бериш бўйича
хизматларни кўрсатади.

Шартномаларни тузган мижозлар:
— кичик бизнес корхоналари ишини ташкил этиш;
— фуқаролар ва ташкилотларга меъёрий ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, жорий қонунчилик бўйича юридик хизматлар кўрсатиш юзасидан
бепул маслаҳатлар оладилар.

Алоқа учун телефонлар:
79-14-77, 79-14-78, 72-35-31.
Манзилимиз: Тошкент, "Халқлар дўстлиги" кўчаси,29-уй "Собир Раҳимов" метро бекати.

septu (INDIA) PVT. LTD.
СЕПТУ ИНДИЯ ЛТД
ИШБИЛАРМОН ШЕРИКЛАРГА
буғдой, дон, шоли тозалаш, акас донини янчиш, минералларни ишлаш технологияси бўйича қўшма корхона тузишни таклиф этади.

"Ўзэкспомарказ"нинг 5-павильонидаги экспозициямизда (19 — 20 сентябрь) учрашишни ёки таклифларни қуйидаги манзилга ёзишингизни сўраймиз:

K. KUMAR (KK) Septu (India) Pvt. ltd 545/15 BASAI ROAD GURGAON — 122001 HARYANA INDIA.

ҲАК-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Мен яқинда бир жиноий ишда гувоҳ сифатида судга бир неча марта чақирилган эдим, аммо боролмадим. Менга суд орқали жарима солишди. Шу тўғрими?

М. НОСИРОВ,
Қарши шаҳри.

ЖАВОБ: Узбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддасига биноан судга ҳурматсизлик қилиб бормаганлигингиз учун суд энг кам иш ҳақининг 3 баробаригача жарима солиш ҳуқуқига эга.

* * *

САВОЛ: Мен иккинчи жаҳон уруши вақтида ватанимиз ичкарисида меҳнат қилганман. Шаҳар транспортида бепул юришим мумкинми?

О. ИБРОҲИМОВ,
Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: Бу тўғрида сиз меҳнат қилган корхона, муассаса томонидан берилган далолатномалар ва 3х4 ҳажмдаги суратингиз билан яшаб келаётган туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилсангиз бепул юриш учун муддатсиз ҳужжат қилиб берадилар.

* * *

САВОЛ: Туғилган фарзандимга қараган вақт пенсия тайинлашда меҳнат стажимга қўшиладими?

Р. ЮСУПОВА,
Андижон вилояти.

ЖАВОБ: Она ёш боласига 3 ёшгача қараган муддатнинг ҳаммаси пенсия тайинлаш чоғида стажга қўшилади. Бу яқинда қабул қилиниб кучга кирган Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунда курсатилган.

* * *

САВОЛ: 1988 йили Чернобиль атом электростанциясида меҳнат қилиб, 3 гуруҳ ногирони бўлиб қайттанман. Ўзим истиқомат қилаётган қишлоқ транспортида бепул юришим мумкинми?

Қодир ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти.

ЖАВОБ: Сиз яшаб келаётган туман ижтимоий таъминот бўлимига ногиронлик тўғрисидаги далолатнома билан мурожаат қилсангиз, улар сизга туманда қатновчи транспорт воситаларида (таксидан ташқари) юришингиз учун имтиёз берувчи ҳужжат қилиб беришади.

* * *

САВОЛ: Ўғлим ҳарбий хизмат қилаётган даврда вафот этган. Менга дорихонадан дори-дармон олишимда имтиёзлар борми?

И. ИБРОҲИМОВ,
Тошкент вилояти.

ЖАВОБ: Яшаб келаётган ҳудудингиздаги шифохона рецептига кўра дорилар сизга бепул берилиши керак.

***

САВОЛ: Машинамга қўшимча чироқ ўрнатганим учун Давлат автомобиль назорати ходимлари маъмурий жазо тайинлаб жарима солишди. Шу тўғрими?

Абдусаттор ЮНУСОВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Узбекистон Республикасининг қабул қилинган 1 апрель маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 127-моддасига биноан Давлат автомобиль назорати ходимлари қўшимча чироқ ўрнатганингиз учун жарима солиб тўғри жазо белгилашган.

Забиҳилло МУҲАМАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
янги имкониятлардаги авиасервис

Тошкентда МДҲнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —
Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.
Тел: 33-29-49.

ШИФОХОНАЛАР. ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚКАТИГА!

"АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ" фирмаси СИЗЛАРГА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН 300 ДАН ОРТИҚ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

АГАР СИЗГА ОШҚОЗОН-ИЧАК, ТЕРИ-ТАНОСИЛ, ЮРАК, ҚОН-ТОМИР, ЖИГАР, БУЙРАК, АСТМА ВА АСАБ ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЗАРУР БЎЛСА ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!
ФИРМАМИЗГА ДУНЁНИНГ БАРЧА ҚИТЪАЛАРИДАН ТУРЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА.



Сиз фирмамиздан *"Термед"* (Германия), *"Стерлинг Хелс"* (Буюк Британия), *"КРКА"* (Словения), *"Берингер Ингельхайм"* (Австрия), *"ЦИЭХ Польфа"* (Польша), *"Эссекс Кеми АГ"*- *"Шеринг Плау"* (АҚШ), *"W Robertson Co LTD"* (АҚШ), *"Гедеон Рихтер"* (Венгрия), Россия, Украина каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни, шунингдек, ошқозон-ичак яраларига шифо ато этувчи *"Зантак"*ни, қаттиқ оғриқни қолдирувчи *"Сольфадеин"*ни харид қилишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ, СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, МАЛҲАМЛАР ФИРМАДА ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ. УЛАР ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ.

Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотик пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили:
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-а уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.
Факс: 40-48-53.

Маданий ҳаёт

ТЕГИРМОН НАВБАТИ БИЛАН

Тегирмон навбати билан эканда. Саксонинчи йиллари Сурхондарёда майдон пахта полвонларники эди: бир механизаторнинг машина билан терган пахтаси 800 тонна бўпти, Қумқўрғонда бир бригадир гектаридан етмиш центнердан ипак пахта ҳосили олаётганмиш, чўлқувар раислардан бири икки режа миқдорида пахта топширамиз, деб газетага мақола ёзипти...

Ўша пахта-ю ўша пахтакорлар ҳозир ҳам бор. Пахтачиликда яхши ишлар етарли. Фақат кўтар-кўтарчилигу мақтаниш йўқ. Кўтар-кўтарчилигу мақтаниш бўлмаса ҳам элда эътироф орттириш мумкинлигини бугун вилоятнинг маданият пешволари намойиш этмоқдалар. Қизириқ туманидаги Абдиназар бахшини олинг. Ўзи билган 12 достонни ўн икки кун айтиб ҳам чарчадим демайди. Дўмбирасини қўлтиқлаб, яқинда Бишкек шаҳрига борди. «Манас» эпосининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро кўрик майдонидаги синов унинг учун осон кечмади. Сўнгги босқичларда қирғиз оқинларининг дилига-ю тилига йўл қараб дўмбира чертди. Икки соатлик тўхтовсиз (бир дақиқа тўхташ—мағлубият демак) айтишув қилди. Ана шундай нуфузли беллашувнинг иккинчи совриндори бўлиб қайтди.

Шўрчи туманининг «Толли» деган жамоа хўжалигида истиқомат қилувчиларни вилоятнинг энг кўп китоб ўқийдиган одамлари дейишади. Чунки кутубхонаси, аниқроғи кутубхона мудири Минганор Мўминова яхши ишлайди. Яхши ишлаётганининг далили шуки, у мудирлик қилаётган кутубхона мингта кутубхона кўригида (республика миқёсида) биринчи ўринни олди.

Умуман, шўрчилик маданиятчи-маърифатчиларнинг ишлари авжида. Туманда 16 та ашула ва рақс ҳаваскорлик дастаси ишлаб турибди. «Кумуш тола» ва «Кушон» дасталарига халқ ансамбли деган мақом берилган. Шўрчилик санъат шинавандалари шу йилнинг ўзида 18 та кўрик - конкурсда қатнашиб, фахрли совринларни қўлга киритмоқдалар. Тўғриси, бу борада вилоятнинг шаънига шаён қўшмоқдалар.

— Бу соҳада, биласиз, илгари бойсунлик ҳамкасбларимиз пешқадам эдилар, — дейди Шўрчи туман маданият бўлими бошлиғи Раҳматулла Мўминов. — Бугунги кунда шогирдларнинг шижоатидан улар хурсанд. Ахир, тегирмон ҳам навбати билан да...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОЛАЖОНЛАР ХАСТАЛАНМАСА ДЕЙМИЗ

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида хайрли бир тадбир ўтказилди.

Ўзбекистонда дори-дармонлар танқислиги, тиббий жиҳозлар етишмаслиги сезилаётган бир пайтда кунчиқар давлат — Япония мадад қўлини чўзди. Республикамиз аҳолиси айниқса, болажонларимиз учун зарур бўлган юқумли хасталикларга қарши одам танасида иммунитет ҳосил қиладиган эмлама (вакцина)лар етказиб беришни ўз зиммасига олди.

— Вазирлигимиз ва Япония давлати билан тузилган шартномага кўра, — дейди республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология бош бошқармасининг бошлиғи Хайрулла Мустафоев, — асосан икки йўналишда иш олиб бориляпти. Дунёнинг машҳур фирмаларидан беш йил мобайнида республикамизга уч миллион сўмлик эламалар келтирилди. Шунингдек, келаси йилнинг баҳоригача тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар ҳам етказиб берилади. Бунда Халқаро болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг хизмати катта. Японияннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб У. Магосакининг саъй-ҳаракатлари билан шу йилнинг март ойида республикамизга келтирилган дастлабки беминнат ёрдам туфайли шу кунгача шол касаллигига қарши уч ярим миллион нафар кичкинтой икки марта эмланди. Бошқа юқумли хасталикларга қарши ҳам шу тартибда эмлаш ишлари олиб бориляпти. Шунинг шарофати билан бўлса керак республикамизда бўғма, шол, қизамиқ сингари хасталиклар кескин камайди. Бугун эса навбатдаги эмлама дармонларини қабул қилиб олдиқ. Ўйлаймизки, Япония ҳукумати кўрсатаётган беғараз ёрдам келажак авлодимизнинг соғлом ўсишида катта кўмак бўлади.

Мазкур хайрли тадбир сўнгида республика соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов ҳамда У. Магосаки журналистлар билан очиқ мулоқотда бўлдилар.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон

КЎРГАЗМА ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да Ҳиндистон савдо кўргазмаси очилганини илгари хабар қилган эдик. Кўргазма 20 сентябргача давом этади. Унда Ҳиндистоннинг 60 дан зиёд компания ва фирмалари иштирок этмоқда. «Панжоб коммуникейшнс лимитед» фирмаси шулардан бири. Фирманинг экспорт масалалари бўйича вакили жаноб Тарвиндер Сингх ВАСН кўргазмани ўтказишнинг мақсади ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Ушбу кургазмани «Индия тред-промошен организейшн», Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамкорликда ташкил этди. Биз бу ерга Ҳиндистоннинг етакчи компания ва фирмалари маҳсулотларини олиб келганмиз. Улар орасида енгил ва юк автомашиналари, компрессорлар, насос ва химикатлар, халқ истеъмоли молларидан тортиб алоқа асбоб - ускуналаригача бор.

— Дарвоқе, сизнинг фирмангиз алоқа соҳасида шуғулланадими?

— «Панжоб коммуникейшнс лимитед» — телекоммуникация соҳасидаги Ҳиндистоннинг етакчи фирмаларидан бири ҳисобланади. У алоқа тармоғига оид асбоб-ускуналарнинг барчасини ишлаб чиқаради. Шунингдек, тез ва сифатли равишда телекоммуникация ускуналарини ўрнатиб беради. Ҳозир фирмамиз ихтиёрида 40 миллион АҚШ доллари ҳисобида айланма маблағ бор. Халқаро стандартлаш ташкилоти сертификатига ҳам эгамиз.

— Айтингчи, айни пайтда фирманинг шериклари кўпми?

— Биз дунёдаги кўплаб мамлакатлар, жумладан АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия, Исроил ва бошқа давлатларнинг телекоммуникация соҳасидаги фирмалари билан ҳамкорлик алоқаларни ўрнатганмиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ Бирлашган Араб Амирликлари, Непал, Индонезия ва бошқа Осиё мамлакатларига алоқа станцияларини қуриб бераяпмиз ҳамда уларни барча турдаги алоқа воситалари, асбоб-ускуналари билан таъминлаяпмиз.

— Ўзбекистонда кўргазма ўтказишдан мақсад ҳам кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш бўлса керак?

— Дарҳақиқат шундай. Биз куни кеча республикангиз Алоқа вазирлигида бўлиб, раҳбар ва етакчи мутахассислар билан учрашдик. Уз таклифларимиз ва имкониятларимизни айтдик. Менимча, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлигининг уфқлари кенг. Чунки, биз бир-биримизга яқинмиз. Илгари ҳам «Буюк ипак йўли» бизларни яқинлаштирган. Энди чинакамига ўзаро манфаатли тенг шерикликни йўлга қўйишимиз лозим. Уйлаймизки, яқин вақт ичида Узбекистон маҳсулотлари савдо кўргазмасини Ҳиндистонда ўтказса бўлади. Биз ишбилармонлар эса икки давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун куч-гайратимизни аямаймиз.

А. ОРТИҚОВ ёзиб олди.

Punjab Communications Limited

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДА ИШБИЛАРМОН ШЕРИКЛАР ҚИДИРМОҚДАМИЗ.

✓ Биз — пхтёрида 1200 миллион ҳинд рупийси (АҚШ долларида 40 миллион) ва ISO (Халқаро стандартлаштириш ташкилоти) сертификатига эга Ҳиндистоннинг етакчи телекоммуникация компаниясимиз.
✓ Бизда телекоммуникация тармоғида ишлатиладиган буюмларнинг барчаси ишлаб чиқарилади.
✓ Маҳсулотларимизни Узбекистонга олиб кириш мақсадида МАРКЕТИНГ ВАКИЛЛАРИМИЗНИ тайинлаб (белгилаб) кетиш ниятидамиз.
✓ Ўзэкспомарказнинг № 5 залида (14 — 20сентябрь) учрашгунча ёки таклифларингизни бизга қуйидаги манзилга тўғридан-тўғри ёзишингизни сўраймиз.

T. S. WASON
DEPUTY MANAGER (EXPORTS)
PUNJAB COMMUNICATIONS LTD.,
C—134-135, INDUSTRIAL AREA,
PHASE VIII, SAS NAGAR (PB) INDIA.
TEL: + 91-172-675467, 671493, 670668, 674980.
FAX: + 91-172-671492, 675468.

Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари

ОТАУЛИ

ТИЛСИМ

(Асардан парча)

Мустақиллик мавзуидаги «Тилсим» («Туркистон достони») асаримнинг уттиз бобидан бирини тақдим этар эканман, умид қиламанки, фақирнинг қирқ беш ёшга кириб топган-тутгани — дастлабки йирик насрий асаридан олинган мазкур парча сизни лоқайд қолдирмайди.

Кенжада уюшқоқлик дегандан зиғирчаям йўқ. У ишлашни билади. Ниҳоясига етказган илмий ишини ҳимоя қилиш учун ўзи енг шимариб рус тилига таржима қилар экан, иттифоқо уни янги раҳбарнинг янги ўринбосари чақиртиради. Ўзи ихлос қўйган зўр нотиқлардан бири Наби Раҳмон илтимос қилади:

— Илмгоҳимиз адабий жараёндан узоқлашиброқ қолган экан... Шу қўлёзмалардан бири билан танишиб, хулоса ёзинг.

Ҳар бири ғиштдек-ғиштдек қўлёзмаларга қараб юраги орқага тортади. Аҳволини имкон қадар силлиқроқ тушунтиришга уринди:

— Хабарингиз бордир, ҳимоя куни белгиланган эди, домла?..

Наби Раҳмон узрини қабул қилмади:

— Буям бир ҳимоя-да! — дея қулёзмаларга «олинг! танланг!» маъносида ишора қилди.

Тағин иккиланди:

— Ҳар қалай, шўро адабиёти бўлими... Мен ниҳояти бир нотиқ бўлсам...

Наби Раҳмон бошқа эътирозга ўрин қолдирмади:

— Уларгаям етарли. Сиз биттасини шеърий нутқ поэтикаси нуқтаи назаридан кўраверинг-чи!

«Мусулмон ғишт»лар тахламини кўчириб, биттасида тўхтади: «Облоқул Фидо (Фидоий) Ҳикматлар». Табиийки, муаллиф эмас, муаллифнинг тахаллуси эмас, тўпламнинг номи жуда-жуда қизиқтирди. Ҳикматларни ўқишга қай бир зиёлининг иштиёқи йўқ дейсиз! Ҳикматнинг, тағин денг, шеърий ҳикматнинг мағзини чақишга қизиқмаган зиёли зиёлими? Шоядки Тўхтабой Яссавий ҳақидаги романни ёзаман деб юрганида кимдир Яссавийона шеърлар ёза бошлаган бўлса! Бундай бошламани қўлламай бўладими?

Тўплам билан танишди-ю, рози бўлганига афсусланди. Ўзи арабча ва форсча сўзларнинг ўзбекча талаффузини русча тушунтиролмай хуноби чиқиб юрганида баттар хуноби ошди. Водариг! Бу алмойи-алжойи тизмаларнинг ҳикматларга нима даҳли бор?! Шеърий ҳикмат — ҳикматлар ҳикмати эмасми ахир? Шеърий ҳикмат ярадор юракдан қондек сизиб чиққан қатрадек мўъжизавий, биллурдек тиниқ илоҳий неъматку! Нашриётнинг ўзида ишлаб, қозон бошида ўтирмоқ тугул, қозончи бўлган тақдирда ҳам истаган жойидан қулоқ чиқараверадими? «Бўса нархини арзон қил» дея зорланиб хонишликда умр кечирган тупроқдек ҳокисор зотки, ёзганларини ниҳояти «нома» деб атаса-ю, бу пўконидан ел ўтмаган олифта! Наҳот ҳикматнинг қадрини шу қадар паст тутиб, арзон билса? Ўзини осмон санаш ҳам эви билан-да! Буниси аниқ! Ақалли шу қадимий заминга икки оёғини маҳкам тираб, афсонавий Антейдек шу она ердан қувват олиб яшаса-чи нотиқ деганлари, қарчиғайдек «Осмон меники!» дея кўкрак керавермай!...

Хуллас, шеърий нутқ маданияти хусусида кўпдан буён кўнглига тугилган фикрларни қўлёзма таҳлили баҳонасида қоғозга тўкди. Гарчи «ички тақриз» бўлса-да, ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич деб, исм-шарифини сир тутиб ўтирмади. Хулосаси керакли нуқталарга етиб боргач, нақ қуршовда қолган ботирнинг аҳволига тушди. Кимдир беш-олти нотиқ даврасида ҳойнаҳой атайин гап қўзғайди: «Фидоийнинг қўлёзмасидан сиёсий айб қидирганмишсиз. Шу гап тўғрими?» Саволга савол билан жавоб қилади: «Булар ҳикмат эмас, жўнгина тизма, дейилса, шу сиёсий айб қидириш бўладими? Тақризни ўқидингизми ўзи?» Эндигина хонасига кириб, ишга қўл урар экан, оқсоқол нотиқлардан бири дағдаға қилиб киради: «Бу қанақа гап, Боти полвон?! Ўзингиз адолат учун курашмайсиз, мажлисларда миқ этмайсиз, лекин фидойи бир курашчининг оёғидан чалмоқчи бўласиз! Навбатдаги машваратда кимдир очиқ-ошкор тана қилади: «Ана, фалончи фалончининг яхшигина шеърларидан айб қидирибди! Шундай адолат тикланаётган замонда бу қанақаси?...» Бир хаёли «Жимгина гап эшитиб ўтиравермай раддия билан чиқсанг-чи!» дейди. Ҳолини чамалаб қараб, фикридан қайтади. Барибир, буларга шу топда тўғри гапни уқтириш амримаҳол. Қўй, ундан кўра таржимамни тезроқ тугатай, деб, машваратни ташлаб кетади. Бир ишкал чиқмай ҳимоя ўтсин, нарёғига худо пошшо!..

Ҳа, ўшанда тўққизининг тўлғоғи бир келиб, тўс-тўполон билан ҳимоя ҳам ўтди. Аждаҳонинг оғзидан гавҳарни тортиб олишдан оғирроқ бўлди-ёв шугина ҳимоя ҳам! Ҳужжатларни тайёрлаб, тегишли идорага жўнатди-ю анови янги уйга узала тушди. Шундай узала тушдики, бир неча ой дам қон босимини, дам асабини, дам ошқозонини касалхонама-касалхона даволади.

Даволаниб уйга чиққач, ҳали ишга тушмаган эди, шу орада Неъмат ўғилларига тўй қилди. Бошқа қўшнилар қатори тўйга чиқди. Ярим кечаси сўнгги меҳмонларни кузатишгач, мезбоннинг қошида Кенжа, Ашрафхўжаев, Ўсарқул, ва ниҳоят, Гаграданқайтиб уйида «Яссавий ҳақидаги романини давом эттираётган» Тўхтабой, жами тўрт қўшни, тўғриғоғи, «улфати чор» қолдилар. Жазирма саратоннинг дим ҳавосида елиб-югуриб ҳолдан тойганлари боис, «суппа қоқди билан ҳордиқни ёзиш» таклифи барчага хуш ёқди. Улкан базм ниҳоясидаги базмча авжига чиққанида кимдир таклиф қилиб қолди:

— Шу топда сой бўйига зап салқин тушди-да! Айланиб, ҳаво олиб келмаймизми?

Бу таклиф ҳам ҳаммага хуш ёқди. Яхши ниятларда сипқорилган «тентак сув» ўз кучини кўрсата бошлаган, энди юрак тафтини иссиқ чой билан босиш амримаҳол эди. Тўғри, Кенжанинг кўнгли нимадир сезгандек бўлди. «Шу сайрдан бир ишкал чиқмаса эди» деган хавотирга борди. Аввалига хайрмаъзурни қисқа қилиб, уйга кирмоқчи бўлди. Бироқ Неъматнинг ҳам қўшнилар қатори бирга айланмоқчи бўлганини кўриб фикридан қайтди. Осмонўпар бино ёнидан ўтиб сой соҳили томон юрар эканлар, Тўхтабой дўрилдоқ овозда гап бошлади:

— Мен узлатда дунё бехабар ётибман. Ишхонада нима гаплар бор энди?

Неъмат энсаси қотиброқ саволга жавоб қилди:

— Ҳе-е, гап кўп, ака!Кунигеча катта акамиз келиб, зўр машварат ўтказди. Ҳисомиддин Бадавий деган бир замонамиз қаҳрамони бор экан, шу одам ҳақида нега ҳеч ким ҳеч нима демайди деб қаттиқ қойиди. Ўшандан буён ёзонғич нотиқларимиз ўртасида бу одам талаш! Йиғилишга бормадингиз? Балки ўзингиз ёзармидингиз?..

Тўхтабой саволдаги киноянипайқамадими, виқор билан одимлаган кўйи жиддий жавоб қилди:

— Майли, Бадавий ҳақида ёзганлар ёзаверсин, лекин мен шу топда Яссавий билан бандман!

Бундай янгиликдан — чархпалак дунёнинг бундай ғаройиб эврилишидан ҳанг-манг бўлиб одимлар экан, ёнида кетаётган Ашрафхўжаев ундан сўраб қолди, тўғриғоғи, юрагига қўл солиб, уни эзғилашга тушди:

— Рост бўлса, Облоқул Фидонинг шеърий тўпламидан сиёсий айб қидирганмишсиз, а? Шу гап ростми, Кенжа?

Ашрафхўжаевнинг феъли ўзига бир қадар маълум. «Қаердан қандай ўт чиқарсам-у бу ўтда қоврилаётганларнинг қизиғини кўрсам?» дея тиш қайраб юрувчи томошаталаб! Лекин шу топда томошага бало борми! Имкон қадар совуққонлик билан илтимос қилди:

— Эртага шу тақризимни берай, ўзингиз ўқиб чиқинг, Саиджон ака, майлими? Очиғи, анчадан бери би-ир маслаҳатингизни олсам деб юрувдим?

Кутилмаганда (микин?), Тўхтабой орага суқилди:

— Бу укамизнинг феъли шунақа, са-ал торроқ! Вақтида менинг номзодлигимдан ҳам йўқ айбларни қидириб топишга роса уринган эди. Фидоийнинг яхши шоирлигини ҳамма биладику, ахир! Била туриб...

Энди кўнглига келган гапни қайтариш, тағин чап бериш амримаҳол эди:

— Бу гапларнинг сабаби маълум! — деди аччиқ кулиб. — Иккалангизнинг қулёзмаларингиз Фидоийнинг бўлимида навбат кутиб ётибди-да! Лекин мақтовни бевосита ўзларига айтганингиз маъқулми эди!..

— Ана, кўрдингизми, Саид ака! — Тўхтабой бор овозда хохолаб кулди. — Укамизнинг феъли торлиги шу гапларидаёқ кўриниб турибди!

Кенжа лом-лим демади. Чунки дейдиганини деб бўлди. Энди тишини тишига маҳкам босиш керак. Тағин нимадир деса, дегани яхшиликка олиб келмаслиги, ўйиндан ўт чиқиши аниқ. Асли «сой соҳилидаги сайр»га қўшилмаслиги керак эди, тамом-вассалом. Диққинафас уйнинг дим ҳавосида нафаси қайтиб ётаверсин эди! Қўшилдими, энди тилини тийгани маъқул.

Кутганидек, танқид тиғи ўзидан четланиб, бошқа томонларга йўналди. Дам боғдан, дам тоғдан келаётган гурунгга жимгина қулоқ тутиб, ўзича хаёл суриб оҳиста одимлайверди. Шаҳар ҳавосининг бузулиши бошланган гурунг манови сойнинг аҳлатхонага айлангани, сувнинг қуриб бораётганию... қуйинг-чи, бири иккинчисидан даҳшатлироқ ва чалкаш муаммоларга кўчди. Айтилаётган гаплар унча-мунча кайфни учириб, одамни хушдан айригудек эди. Суҳбатдошлар аҳволнинг шарҳини қўйиб, нима қилиш кераклигидан ҳам гап очишарми экан дея сабр-тоқат билан кутди. Нимагадир бу хусусда ҳеч ким лом-лим демади. Бир пайт Тўхтабой мешдек қорнини бахузур силар экан, чуқур уф ортиб, қаттиқ хўрсинди:

—Ҳа-а, у эмас бу эмас, халққа қаттиқ жабр бўлган экан-да!

Неъмат Кенжага маъноли қаради. Қарашни ўзича тушунди: «Жимгина эшит! Чида-да! Мана, мен чидаяпман-ку!» Дил қаъридан беадад бир ситам сизиб чиқди: токайгача чидаш мумкин? У балонинг бошими ё... бор-йўғи балогардонми? Сулаймон ўлиб, девлар қутулмадими бугун?! Куни-кеча унинг номини сотиб, халқни тунаб юрган қароқчилардан бири ўзинг эмасмидинг?! Ўзинг айт-чи, аблаҳ, дейлик, онанг ўлар аҳволда ётса, унинг дардини айтиб аюҳаннос солганинг яхшими, ё дардга даво топиб, ажал чангалидан қутқаришингми? Қутқариш қўлингдан келмас экан, ақалли хап турсанг-чи, худо хайрингни бергур!.. Беихтиёр онаси ёдига тушди. Ҳимоя-ю хасталик билан бўлиб, бирор йилдан буён қишлоққа боролмаганини ўйлаб юраги ўртанди. Бирор йил аввал борганида онасининг алланечук шикаста товушда зорланишлари қулоқлари остида қайта янграб кетгандек бўлди: «Кейинги пайтларда негадир тез-тез бошим айланиб, кўзим тинадиган бўлиб қолди-да, болам! Билмадим, қариликми ё сабаб хасталик...» Тўғри, ҳимояга келган Қодир акасидан аҳволни билиб, бир қадар хотиржам бўлди. Лекин қаттиқ соғинди ойисини!..

— Сен ҳам гапга қўшил-да мундоқ! Ановиларга ўхшаб нуқул оёқдан чалавермай!

Аввалига бу иддаоларнинг кимга қаратилганини англаб етмади. Гарангсиб тевараги-га кўз югуртирди. Не кўз билан кўрсинки, Тўхтабой унга елкаси оша қиё боқиб турибди.

— Нима?!

— Қулоғингга тамбур чертяпманми, онангни!..

Бир зумда бутун вужуди гуриллаб ёнган гулханга айланди гўё. Қўли ўзига бўйсинмади. Тўхтабойнинг кесилган бақатеракдек узала тушиб ётган алп қомати кўз олдини қоплаб олган қонталаш парда ичра ғира-шира кўринди. Овози ўзига бегона эшитилди:

— Ҳали онамни сўкадиган сенмисан? Ҳали сенсўкмаган онам қолдими? Ҳали онам сенга қолдими?!

Кейинчалик гарчанд уринмасин аниқ эслаёлмади: Тўхтабой ростдан ҳам онасини сўкдими ё унга шундай туюлдими? Аввал сўкишни эшитиб, кейин мушт урдими? Ё аввал мушт уриб, сўкишни кейин эшитдими? Ҳар қалай, аниқ-тиниқ эсида қолгани шуки, кимдир ўзини қўлтиғидан олиб уй томонга судради. Кимдир Тўхтабойни суямалаб ўрнидан турғазди. Кимдир икки ўртада қўндаланг бўлиб орачилик қилди. Яна эслайдики, йигирма қадамча «босган оёқлари ўз-ўзидан таққа тўхтади-қолди. Ёнидаги қўшнисининг қучоғидан чиқиш учун силтана туриб ҳайқирди:

— Йўқ, мен бир уриб қочадиган номардлардан эмасман. Илтимос, шу майдонда икковимизни ёлғиз қолдиринглар!

Қутлаймиз

ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТГАН

Ҳурматли Эркин Мадиёрович!

«Ўзбекистон овози»даги ҳамкасбларингиз Сизни «Янгийул» газетасида мухбирлик қилиб юрган даврингиздан яхши билишади. Ҳамкасбларингиздан кўпчилигига насиб этмаган бир тақдир Сизда намоён бўлди: университетни битиргач қаламингизни ҳаёт қайнаган жойда қайрадингиз. Шу боис ҳам Сиз ижод этган намуналарнинг ҳар бир сатрида она замин нафаси, халқ ҳаёти шундоқ акс этиб туради.

Бугун ярим аср остонасида турган экансиз босиб утган йўлингиздан ҳар анча ифтихор қилсангиз арзийди. Туман газетасидан сўнг «Тошкент ҳақиқати»да жонбозлик курсатганингиз, вилоят партия қумитасида заҳматли фаолиятингиз кўпчиликнинг кўз ўнгида рўй берди. Сиз таҳририятда ишлайсизми, бошқарув идорасидами - қаерда бўлмасин қаламни қўлдан қўймадингиз. Шу боис ҳам мамлакатимиздаги нуфузли нашрлардан бири «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталарига бош муҳаррир вазифасига ишга келганингизда ҳамма «узукка кўз қўйгандек» деган баҳони берди. Сиз, қишлоқдан чиққан оддий мухбир қанотни кенг ёзиб жаҳонгашта журналист даражасига кўтарилдингиз. Америка тупроғидан ёзган сафар очеркларингиз, айниқса Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон, Россия Федерациясига Ўзбекистондан борган расмий делегация фаолиятини изчил ва ҳар тарафлама ёритганингиз муштарийлар қалбида муҳрланиб қолган.

Касбдошларингиз Сизни «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» сифатида яхши билишарди. Мамлакат журналистларининг ижодий танловида ғолиблар сафида бўлганингиз барчага аён. Юртимиз мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида бир гуруҳ муътабар замондошларимиз қаторида «Шуҳрат» медали билан тақдирланганингиз барчамизни қувонтириб юборди. Бу мукофот нафақат Сизга, балки заҳматли меҳнати билан элга хизмат қилаётган журналистларга берилган баҳодир. Сиз билан қўшилиб кўпни кўрган устозларингиз, камарбаста тенгқурларингиз, садоқатли шогирдларингиз қувонишмоқда. Эллик ёш қаламкаш учун айни ижодий камолат палласи. Ишончимиз комилки, ҳали «Эркин Эрназаров» имзоси билан битилган пурмаъно ва салмоқли асарлар олдинда.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ.

БАРКАМОЛЛИК ПОҒОНАСИ

Куни кеча ўз муборак 50 ёшини қаршилаган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош директорининг ўринбосари, таниқли матбаачи Тўхтасин Бобожонов меҳнат жамоамизнинг асосий илдизларидан бири. Асли қадим Каттақўрғоннинг машҳур Пайшанба қишлоғида дунёга келган ўғлон табаррук юртига ва оқ ювиб-оқ тараган ота-онасига муносиб фарзанд бўлди. 1971 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатиб, бир йилча Самарқанд совутгичлар заводида иқтисодчи бўлиб ишлаганини истисно қилганда меҳнат фаолиятининг асосий қисми «Шарқ»да кечди. Ўзбекистон матбаачилигида юксалиш даври бошланган 70-йилларнинг бошидан корхонамизда иқтисодчи лавозимида иш бошлаган Тўхтасин тез орада ўзининг билимдон мутахассис ва яхши ташкилотчи эканлигини кўрсатди. У нашриётда меҳнатни ташкил этиш бўйича муҳандис, кадрлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, меҳнат ва ҳақ тўлаш бошлиғининг ўринбосари ва нашриёт партия қумитаси котиби вазифаларида ҳалол меҳнат қилди.

Тўхтасин Бобожонов уч йилча бошқа жамоаларда ҳам ишлаб келди. Ва ниҳоят 90-йили яна ўзининг қадрдон «Шарқ»ига қайтиб келиб, Бош директор ўринбосари лавозимида ишлай бошлади.

У «Шарқ» концернида қарийб чорак асрлик меҳнат фаолиятида кўп минг сонли ишчи-хизматчилар орасида ўз ўрнини топа олди.

Эллик ёш баркамоллик поғонасидир. Тўхтасин Бобожонов ўзининг бой тажрибаси билан келгуси йилнинг баҳорида 75 йиллик тўйини нишонлайдиган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни меҳнат жамоасига, ўлкамизда матбаачилик негизи, саноати, технологияси, маданияти ривожланишига фидойилик ила хизмат қилаверади.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ.

Болалигим—гулбаҳор.

М. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Спорт

ҚЎШ ПЕШҚАДАМ

• **ОЛИЙ табақа футбол жамоалари ўртасида мамлакат — миллий чемпионатининг 23-тур ўйинлари ўтказилди.**

Бу сафарги мусобақаларда икки хил ҳисоб қайд қилинди десак ҳам бўлаверади. Фақат «Темирйўлчи» — МҲСК учрашуви 0:2 ҳисобида тугади. «Янгиер» — «Динамо», «Наврўз» — «Атласчи» ўйини 1:0 билан тугаган бўлса, АСК—»Чирчиқ», «Трактор» — «Машъал» учрашувларида 2:1 ҳисоби қайд этилди. «Сўғдиёна» — «Навбаҳор» ўйини 1:2 билан якунланди. «Политотдел» — «Нурафшон» учрашувида ғалаба жамоа хўжалиги футболчилари фойдасига ёзилди. «Пахтакор» — «Нефтчи» учрашуви эса кечиктирилди. Шундай қилиб, «Нефтчи» билан «Навбаҳор»да 57 тадан очко тўпланди. Учинчи ўринда бораётган МҲСК жамоасида 56 та очко бор.

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР

• **БОЛГАРИЯДА самбо кураши бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида вакилларимиз совринли ўринларни эгаллашди.**

35 мамлакат вакиллари қатнашган бу мусобақада спортчиларимиз 1 та олтин, 5 та бронза медали билан қайтдилар. Хусусан, ёшлардан бухоролик Акобир Қурбонов олтин медаль соҳиби бўлди. Самарқандлик Фарҳод Хўжамов билан Максим Халтурин ҳамда жиззахлик Қаҳрамон Акабоевлар бронза медаллари олишди. Ўсмирларимиздан самарқандлик Асқар Раҳимов билан Акмал Орзиевлар ўз бронза медаллари билан умидли курашчилар эканликларини амалда намойиш этдилар.

Янги нашрлар

«МУҲАММАД ПАЙҒАМБАРНИНГ ТУРКИЙ АВЛОДЛАРИ»

«Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим! Шундай инсонлар, табаррук зотлар, оламшумул олимлар борки, уларнинг насл-насаблари башарият тарихида ўчмас из қолдирган буюк сиймоларга, мўътабар аждодларимизга, карматли азиз-авлиёларга, ҳатто пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга бориб тақалади. Мустақиллик шарофати туфайли мозийдаги аждодларимиз тўғрисида рўй-рост гапириш, башарият тарихи, илм-фан, маданиятнинг равнақи халқимиз маънавий ҳаётида беқиёс аҳамиятга молик миллатдошларимизнинг муборак номларини тиклаш, уларнинг аждодларини одилона баҳолаш имконияти очилди» деб бошланади таниқли мунаққид Раҳматилла Иноғомовнинг «Муҳаммад Пайғамбарнинг туркий авлодлари» номли рисоласи. «Камалак» нашриёти томонидан «Хазина» ижодий-илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқарилган мазкур китобчани Муҳаммад Пайғамбар авлодлари шажарасидан (XV—XX асрлар) бир лавҳа дейиш жоиздир. Боиси китобхон унда Пайғамбаримиз авлодларига мансуб Миён ҳазратлари авлоди, улардан етишиб чиққан кўплаб уламо ва азиз авлиёлар билан танишади. Жумладан, тасаввуфдаги «Кодирия» сулукига асос солган карматли авлиё, асл насл-насаби ўн авлод олдин Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотимаи Заҳро ва унинг ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайинга бориб тақаладиган Ғавсул Аъзам Муҳитдин Саййид Абдулқодир Гилонийдан тортиб, мазкур сулоланинг бугунги кундаги вакили, иқтисодий география фани билимдони Миён Фазл Муҳаммад Расо Абдусалом ўғли Ҳодий Раббоний (Раззоқ Ходиев)гача бўлган Миён ҳазратлари авлоди билан танишиш ҳар кимга ҳам қизиқарли бўлиши шубҳасиз.

* * *

«ХОЖАИ ЖАҲОН-ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ»

шу номдаги мазкур китобча «Наврўз» нашриёти маҳсулидир. У Хожа Юсуф Ҳамадоний халифаларидан тўртинчиси, Хожагонлар тариқатида катта из қолдирган ва Нақшбандия сулукининг шаклланишига асос солган йирик мутасаввуф шайх Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ҳаёти ва йўл-йўриқлари ҳақида баҳс этади. Рисолада Ғиждувоний ҳақидаги китоблардан ташқари унинг ўз қаламига мансуб бўлган «Одоби тариқат» ва «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» китобларидан ҳам таржималар берилган.

«Одоби тариқат» ёки «Рисолаи васоё» («Насиҳатлар рисоласи») деб номланган тўплам Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тариқат йўлидаги ўғли ёки маънавий ўғли Хожа Авлиёйи Кабир (ёки Калон)га бағишланган. Манбалардан маълум бўлишича, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг минглаб муридлари бўлган. Шулардан тўрттасини ўзига ҳалифа (ўринбосар) қилиб тайинлаган эди. Булар: Хожа Абдуллоҳ Барақий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний эдилар. Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз устозининг шарафига «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний»ни тасниф этади. «Мақомот»да у ўз пирининг барча хислатларини мукаммал баён этган ҳамда ўзининг таржимаи ҳолини ва пири билан учрашган вақтларини баён қилиб берган. Китобчада ана шу «Мақомот»дан танлаб олинган парчалар ҳам берилган.

* * *

«МАБДАИ НУР»

Бобораҳим Машраб Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда машҳур буюк мутасаввуф шоир, ислом ва унинг йўл-йўриқлари, бутун мусулмон шарқида яратилган тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси ва билимдони. Бутун ҳаётини саргардонликда, дунёни кезиб ўтказиб, оддий халқ ўртасида шуҳрат қозонган, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаган, халқ учун қайғурган жаҳонгашта, қаландар шоир. Бобораҳим Машраб ижодида унинг маснавий усулида ёзилган шеърий-фалсафий-тасаввуфий асари «Мабдаи нур» муҳим аҳамиятга эга. Китобда шоҳлар, машҳур кишилар, авлиёлар, олимлар ва тасаввуфнинг йирик намояндалари ҳақида ибратомуз ҳикоялар ривоят қилинади. Асарга киритилган ҳикояларда ва шоир ғазалларида ахлоқ-одоб масалалари олға сурилиб, иймон-эътиқод, инсоф, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик каби олижаноб фазилатлар ҳақида сўз юритилади. Қаллобликкорлик, каззоблик, диёнатсизлик, инсофсизлик, иккиюзламачилик, мунофиқлик, адолатсизлик, кибрлик, манманлик, молпарастлик, майпарастлик, маиший бузуқлик, ҳаром таомлик, бировлар ҳақига хиёнат каби инсон ҳаётида мавжуд бўлган қабиҳ ва жирканчли иллатлар қаттиқ танқид остига олинади.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриётида чоп этилган.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0382.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. САЛИМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 50.* *123456.*